
**Бадий матн композицияси ва
сўроқ гаплари****Сафаров Шахриёр Сафарович**safarovsh46@gmail.com

*“Таржима назарияси ва амалиёти”
кафедраси профессори, фан доктори (DSc),
Самарқанд давлат чет тиллар институти*

Холматова Вазира Нарзуллаевнаvazira0787@gmail.com

*“Хорижий тиллар” кафедраси доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Қарши давлат техника университети*

Аннотация

Алоҳида олинган гап хабарни узатувчи синтактик–семантик, грамматик тузилишга эга ва воқеликни акс эттирувчи ҳамда унга муносабатни ифодаловчи тузилма сифатида эътироф этилади. Бироқ гапнинг туб моҳияти унинг нутқий мулоқот контексти ёки матн таркибида қўлланишида намоён бўлади. Бундан ташқари, гапнинг матн таркибида бошқалардан ажралган ҳолда ёки контекстдан ташқарида мавжуд бўлишини тасаввур қилиш қийин. Нутқий мулоқот синтактик ва мазмун жиҳатидан ўзаро боғлиқ гаплар бирикувидан иборатлигини эътиборга оладиган бўлсак, унда гапни нутқий ҳаракатнинг ажралмас бўлаги мақомида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Аввало, яхлит матн алоҳида гаплар кетма-кетлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратишини эслатмоқчимиз. Матн таркибидаги ҳар бир гап ўз жойига эга бўлади ва ушбу жойни ўзгартириш матн мазмуний тузилишига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Матннинг мантиқий боғлиқлиги ва мазмуний яхлитлиги айнан унинг таркибидаги гаплар тартибига асосланади. Бу эса, ўз навбатида, матнни яхлит ҳодиса сифатида идрок этишга шароит туғдиради. Сўроқ гапларининг у ёки бу контекстда фаоллашуви ҳақида гап кетганида гап коммуникация жараёнида алоҳида ажралмаслигини ва аксинча у матннинг ажралмас компоненти сифатида унинг таркибида бўлишини унутмаслик лозим. Зеро, гап тузилмаси матн таркибидан тайёр маҳсулот ёки “қурилиш материали” сифати ўрин олмасдан, балки уни ўраб турган контекст таъсирида шаклланади.

Калит сўзлар

Матн тузилиши, нутқ, гап, синтактик, семантик, стилистик ва прагматик мўлжал

**Композиция художественного
текста и вопросительная речь****Сафаров Шахриёр Сафарович**safarovsh46@gmail.com

*Профессор кафедры «Теория и практика
перевода», доктор наук (DSc),
Самаркандский государственный
институт иностранных языков*

Холматова Вазира Нарзуллаевнаvazira0787@gmail.com

Доцент кафедры «Иностранные языки», доктор
философии по филологическим наукам (PhD),
Каршинский государственный
технический университет

-
- Аннотация** *Отдельное высказывание осознаётся как структура, передающая сообщение, имеющая синтактико-семантическую, грамматическую структуру, отражающая действительность и выражающая отношение к ней. Однако сущность высказывания проявляется в его использовании в контексте речевого общения или в структуре текста. Кроме того, трудно представить себе, чтобы высказывание существовало в структуре текста изолированно от других или вне контекста. Учитывая, что речевое общение представляет собой совокупность синтаксически и содержательно связанных между собой высказываний, целесообразно рассматривать высказывание как неотъемлемую часть речевого акта. Прежде всего, напомним, что целостный текст создаёт условия для обеспечения последовательности отдельных высказываний. Каждое высказывание в структуре текста занимает своё место, и изменение этого места не может не влиять на содержательную структуру текста. Логическая связность и содержательная целостность текста основываются именно на порядке расположения высказываний в его составе. Это, в свою очередь, создаёт условия для восприятия текста как целостного явления. Говоря об активации вопросительных предложений в конкретном контексте, важно помнить, что предложение не изолировано в процессе коммуникации, а, напротив, является неотъемлемым компонентом текста. Ведь структура предложения формируется не как готовый продукт или «строительный материал» из текста, а под влиянием окружающего его контекста.*
- Ключевые слова** *Структура текста, речь, речь, синтаксическая, семантическая, стилистическая и прагматическая цель*
-

Composition of a literature text and interrogative speech

Safarov Shakhriyor Safarovichsafarovsh46@gmail.com

Professor of the Department of "Theory and
Practice of Translation", Doctor of Science (DSc),
Samarkand State Institute of Foreign Languages

Kholmatova Vazira Narzullaевнаvazira0787@gmail.com

Associate Professor of the Department of
"Foreign Languages", Doctor of Philosophy in
Philological Sciences (PhD),
Karshi State Technical University

Annotation

A separate utterance is recognized as a structure that conveys a message, has a syntactic-semantic, grammatical structure, and reflects reality and expresses an attitude towards it. However, the essence of the utterance is manifested in its use in the context of speech communication or in the structure of the text. In addition, it is difficult to imagine that the utterance exists in the structure of the text in isolation from others or outside the context. Considering that speech communication consists of a combination of syntactically and substantively interconnected utterances, it is appropriate to study the utterance as an integral part of the speech act. First of all, we would like to recall that a holistic text creates the conditions for ensuring the sequence of individual utterances. Each utterance in the structure of the text has its own place, and changing this place cannot but affect the content structure of the text. The logical coherence and content integrity of the text are based precisely on the order of the utterances in its composition. This, in turn, creates conditions for perceiving the text as a holistic phenomenon. When talking about the activation of interrogative sentences in a particular context, it is important to remember that the sentence is not isolated in the process of communication, but, on the contrary, is an integral component of the text. After all, the sentence structure is formed not as a finished product or "building material" from the text, but under the influence of the context surrounding it.

Keywords

Text structure, speech, speech, syntactic, semantic, stylistic and pragmatic purpose

Матн ва гапнинг ўзаро боғлиқлиги ва муносабати турли кўринишларда намоён бўлади. Шу боис, баъзи тилшунослар таҳлил объекти сифатида яхлит матнни танлаб, унинг қандай ташкил топишини аниқлашга ҳаракат қилсалар, бошқалари учун етакчи ўринда гап бирлиги туради ва уларни ушбу бирликларнинг матн тузилмасидан ўрин олиши, қандай ўзгаришларга учраши ҳамда матн қурилиши талабларига қандай мослашиши каби масалалар қизиқтиради.

Матннинг нутқий жараён маҳсули сифатидаги талқини унинг муҳим хусусияти бўлган яхлитлик ёки боғлиқликнинг турли нуқтаи назардан тавсифланишига сабаб туғдиради. Жумладан, К.Кожевникова ўз пайтида матн синтаксиси муаммолари билан шуғулланаётиб, матн яхлитлигини икки кўринишини фарқлаган эди. Унинг таъбирича, яхлитлик, бир томондан, натижаларда, икки ёки ундан ортиқ факт,

ҳодисалар намоён бўлса, иккинчи томондан, факт ва ҳодисаларнинг ягона бир тугалланган бутунликда жамланишида юзага келади (Кожевникова, 1979). Инглиз тилидаги матнлар сиртқи структурасининг хусусиятларини номзодлик диссертацияси мавзуси қилиб белгиланган украиналик олим В.И.Карабан матннинг яхлитлиги гаплар занжирининг муҳим онтологик ва тартиблаштирувчи хусусиятига асосланишини таъкидлайди. Ушбу занжирли боғланиш матнда иштирок этаётган гапларнинг лисоний муносабатларини акс эттириш билан биргаликда, дискурснинг коммуникатив қийматини белгилайди (Карабан, 1988).

Матн тилшунослигининг асосий тадқиқ объекти боғлиқ нутқ, нутқий маҳсулот – асар эканлиги маълум. Матн тилшунослиги соҳасидаги аксарият тадқиқотлар дастлабки пайтларда стилистик муаммолар бўлиб, бунда матн учун "қурилиш материали"

ролини ўтайдиган синтактик тузилмалар танланган эди. Бироқ ўтган асрнинг охириги ўн йилликларига келиб, матн тушунчаси соф лингвистик тушунчага айланди. Шу йўсинда, матн шу бирликларга хос структур–семантик жиҳатдан тавсифланиб, лингвистик тадқиқот объектига айланди.

Тилшуносларнинг аксарияти матннинг инсон нутқий фаолияти маҳсули сифатида тан олиб, унинг воқеликни билиш ва бевосита ҳамда билвосита мулоқот жараёнларида шаклланишини таъкидлайди (Шевченко, 2003; Чернявская, 2009). Бизнингча, тилшунослик соҳасида энг кенг тарқалган ва кўпчилик томонидан қабул қилинган таърифни И.Р.Гальпериннинг “Текст как объект лингвистического исследования” номли монографиясидан топиш мумкин: “Матн – нутқий ижодкорлик жараёни маҳсули бўлиб, ёзма ҳужжат кўринишида воқеланган, тугалланган, сарлавҳа ва бир нечта бирликлардан иборат. Ушбу бирликлар маълум стилистик ва прагматик мўлжал асосида бирикади” (Гальперин 1981: 18). Бироқ, тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу таъриф ҳам айрим камчиликлардан холи эмас. Масалан, сарлавҳа матн тузилиши учун умумий талаб эмас, сарлавҳасиз матнлар ҳам йўқ эмас. Шунингдек, оғзаки матнлар мавжудлигини ҳам инкор этиш қийин (Кубрякова, 2001; 72; Ashurova, Galieva, 2016; 18).

Яна бир россиялик психолингвист А.А. Леонтьев матнни учта бирлик, яъни гап–мураккаб синтактик тузилма – матн поғонали тизими кўринишида таҳлил қилиш таклифини киритган эди (Леонтьев, 1976).

“Синтактик стилистика” дарслигининг муаллифи машҳур услубшунос Г.Я. Солганик ҳам матнни босқичли тизим сифатида тасаввур қилади. Мазкур тизим бир нечта сатҳдан иборат: гап–мураккаб синтактик тузилма-матн парчаси – боб – тугалланган асар. Бунда турли сатҳлар тизимидан иборат бўлган матнга қуйи сатҳ бирликлари тобеланади. Сатҳ қанчалик қуйи бўлса, у

шунчалик матнсиз тушунарсиз бўлади (Солганик, 1973; 18).

Ҳақиқатдан ҳам, нутқнинг синтактик қисмларга ажралишида матн юқори поғонани эгаллайди. У турли синтактик қурилмалар ва мустақил гапдан ташкил топади. Лекин матнни асло қандайдир бир якка гаплар кетма-кетлигидан ташкил топишини тасаввур қилиб бўлмайди. Аксинча, алоҳида гаплар ва синтактик тузилмаларнинг матндаги алоқаси матн структурасини белгиловчи қонуниятлар замирида юзага келади. Шу боис, матнни тилшуносликнинг асосий вазифаларидан бири маълум миқдордаги гаплардан иборат нутқий қурилманинг хусусиятларини ўрганиш эканлигини таъкидловчи тилшуносларнинг фикрини қўллаб-қувватлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Зеро, ушбу қурилманинг қандай ҳосил бўлиши ва қандай унсурлардан ташкил топишини билиш муҳимдир. Матншунос Е.А. Реферовская кўрсатиб ўтганидек, яхлит матн маълум миқдордаги элементлардан, алоҳида қисмлардан таркиб топади. Улар матннинг умумий мазмун ва формал структурасидан ўрин олади, ўзаро боғлиқ, аммо айни пайтда нисбатан тугалланган ёки бир-биридан чегараланган баён қисмларини ташкил қилади. Ушбу қисмлар, ўз навбатида, баъзан алоҳида гап кўринишига эга бўлиши ёки гаплар мажмуасидан иборат бўлиши мумкинлиги кузатилади. Маълум бир мажмуадаги гаплар бир-бири билан фақат мантиқий-семантик алоқада бўлмасдан, балки формал муносабатда ҳам бўлади (Реферовская, 1983; 6).

Шундай қилиб, матн ҳодисаси талқинига бўлган турли ёндашувлар таҳлили матн тузилишини қуйидаги йўналишларда ўрганишга ундайди:

1. матн боғлиқлиги ва яхлитлигини синтаксис сатҳида ўрганиш;
2. матн ташкилий қисмлари ўртасидаги алоқанинг семантик жиҳатларини тавсифлаш;

3. алоҳида гапларнинг матн тузилиши ва унинг яхлитлигини таъминлашдаги ролини белгилаш.

Мазкур ишимизнинг белгиланган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, сўроқ гапларининг матн тузилишида тутган ўрни ва унинг мазмуний-синтактик яхлитлигини шакллантиришда бажарадиган вазифалари масаласини муҳокама қилишга ҳаракат қиламиз.

Қуйидаги мисолларни таҳлил қилиб кўрамиз:

A) "Your father's estate is entailed on Mr. Collins, I think. For your sake." Turning to Charlotte, "I am glad of it, but otherwise I see no occasion for entailing estates from the female line. It was not thought necessary in Sir Lewis de Bourgh's family. **Do you play and sing, Miss Bennet?**"

"A little."

"Oh! Then some time or other we shall be happy to hear you. Our instrument is a capital one, probably superior to – You shall try it someday. **Your sisters play and sing?**"

"One of them does."

"**Why did you all learn?** – You ought all to have learned. The Miss Webbs all play and their farther has not so good an income as yours. **Do you draw?**"

"No, not at all"

"**What, none of you?**"

"Not one."

"This is very strange. But I suppose you had no opportunity. Your mother should have taken you to town every spring for the benefit of masters."

"My mother would have had no objection, but my farther hates London."

"**Has your governess left you?**"

"We never had governess."

"No governess! **How was that possible?**"

Five daughters brought up at home without a governess? – I never heard of such a thing. Your mother must have been quite a slave to your education.

Elizabeth could hardly help smiling, as she assured her that had not been case (Austen J. *Pride and Prejudice*, 178).

B) "Is this Walter Morel's he asked." "Yes," said Mrs. Morel. "**What is it?**"

But she had guessed already. "Your master's got hurt," He said. "Eh, my dear" she exclaimed. "It's a wonder if he hadn't lad. **And what's he done this time?**" "I don't know for sure. But it's is lag somewhere. They taken him to the hospital." "Good gracious me!" she exclaimed. "Eh, dear, **what a one is he?** There is not five minutes of peace. I'll be hanged if there is! His thumb's nearly better, and now – **Did you see him?**" "I seed him at the bottom. An' I seed them bringing up in a tub. But she shouted like anything when doctor Fraser examined him in the lamp cabin –crossed and swore, and said as we were going to be taken home."

The boy faltered to an end (Lawrence, *Sons and Lovers*, 86).

B) Далавой ингичка сарғиш мўйловини чимчилаб дадамга бир қараб қўйди-ю, меҳмонга юзланди.

– **Нима қилдик, ўртоқ Тошев?** Бориб турган жиноятку бу!

Дадам бутунлай довдираб қолди.

– Нима гуноҳ қилдим, укам? – деди Далавойга. – Айбим бўлса, айтинг, бенавоотман.

– Тағин ўзини гўлликка солади-я! – Далавой тиши орасидан чирт этиб тупурди. – **Рухсатингиз борми?** – деди овози темирдек жаранглаб.

– **Нимага?** – Дадам мадад кутгандек энди меҳмонга жавдираб қарай бошлади. – Ахир... Ахир бу ўзимнинг томорқомдаги дарахт-ку. Мана қаранг, қуриб қолган. – У гапининг ростлигини исботлаш учун билакдек шохни маҳси калишли оёғи билан бир тепган эди, қарс этиб синди. – **Кўрдингизми, қуриб қолган?** Кузда кесиб олмоқчи эдим-у, вақт бўлмади. – У боядан бери бурнини тортиб турган акамга дашном берди. – **Нега анқайиб турибсан?** – Бор ойинга айт, чой қўйсин,

меҳмонлар келди, дегин (Ҳошимов, Дунёнинг ишлари, 77).

Г) Онам ёнига ўтирган жувонга тушунтирди: – Бунақада бола ҳўйли бўлиб қолади, қизим. Алдаб-сулдаб овутиг-да. Ана дит-дитга тушдик. Бола энди йиғламас, аммо ўпкаси тўлиб тўхтовсиз ҳиқиллар эди. – **Қаёққа кетаётган эдинглар, ўргилай?** – деди онам аёлни ҳам юпатувчи оҳангда. Мени она-боланинг қаёққа бориши эмас, ўриндиқнинг қанча жойи лойга белангани кўпроқ қизиқтиради. Аёл чимирилиб ўтирганимни сезди, шекилли, хижолат чекиб шоша-пиша қўл силтади. – Мана келдик, раҳмат. Шу ерда троллейбусга чиқамиз. – У овуниб қолган боласини кўтариб шоша-пиша машинадан тушди. Қарасам, худди ўзим ўйлагандек: ўриндиқнинг ярми лойга беланибти.

– Қизиқсиз, – дедим жаҳлимни босолмай, – **ҳамманинг ишига аралашаверасизми?**

– **Нима ҳамманинг иши?**

– Бировнинг боласи бўлса... **Йиғласа сизга нима?** Йиғлаб-йиғлаб овунади.

– Нимага бировнинг боласи бўларкан! – Тўсатдан онамнинг жаҳли чиқиб кетди. – **Йиғлаб турган боланинг бегонаси бўладими?** Уялмайсанми шундай дегани. Йиғлаб турган норасидага раҳми келмаган одам – одамми? (Ҳошимов, Дунёнинг ишлари, 20).

Юқорида келтирилган диалогик нутқ матнларида сўроқ гапларининг етакчи ўринда туриши ва диалогнинг яхлит матн сифатида шаклланишида ўзига хос ролни бажариши яққол кўзга ташланади. Уларсиз матннинг юзага келишини тасаввур қилиш қийин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ashurova, D. U., & Galieva, M. R. (2016). *Text linguistics*. Tashkent: Turon-Iqbol.
2. Austen, J. (2010). *Pride and prejudice*. London: Harper Press.
3. Chernyavskaya, V. E. (2009). *Lingvistika teksta* [Text linguistics]. Moscow: Librokom.
4. Galperin, I. R. (1981). *Tekst kak ob"ekt lingvisticheskogo issledovaniya* [Text as an object of linguistic study]. Moscow: Nauka.
5. Hoshimov, O'. (2015). *Dunyoning ishlari* [Affairs of the world]. Tashkent: Yangi Asr Avlodi.
6. Karaban, V. I. (1988). *Pereklad anhlis'koi naukovo-tekhnichnoi literatury* [Translation of English scientific and technical literature]. Moscow: Nauka.
7. Kozhevnikova, K. (1979). *Sintaksis teksta* [Syntax of the text]. Moscow: Nauka.
8. Kubryakova, E. S. (2001). O tekste i kriteriyakh ego opredeleniya [On the text and the criteria for its identification]. In *Tekst: Struktura i semantika* (Vol. 1, pp. 72–81). Moscow.
9. Lawrence, D. H. (2004). *Sons and lovers*. Qingdao: Qingdao Press.
10. Leontyev, A. A. (1976). *Priznaki svyaznosti i tsel'nosti teksta* [Features of coherence and integrity of the text]. In *Lingvistika teksta*. Moscow.
11. Referovskaya, E. A. (1983). *Lingvisticheskie issledovaniya struktury teksta* [Linguistic studies of text structure]. Leningrad: Nauka.
12. Shevchenko, N. V. (2003). *Osnovy lingvistiki teksta* [Foundations of text linguistics]. Moscow: Prior.
13. Solganik, G. Ya. (1973). *Sintaksicheskaya stilistika* [Syntactic stylistics]. Moscow: Vysshaya Shkola.